ПРЕЦЕДЕНТ МАТНЛАР ГАЗЕТА ТИЛИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

М.Р. АРТЫКОВА

В статье исследуется роль прецедентных текстов как средства, повышающего экспрессивность языка газеты, рассматривается важность ознакомления с подобными текстами, передающими национально-культурные особенности народа.

In this article the author tries to study the role of precedential texts as a means of reaching expressiveness of the newspaper style, points out the importance of getting acquainted with such texts which reflect the national and cultural peculiarities of the nation.

Бугунги ахборий жамият шароитида журналистларнинг асосий мақсади мавжуд ахборотни аудиторияга тез етказиш ҳисобланади. Бу глобаллашув жараёнининг асосий шартларидан бири. Бироқ оммавий ахборот воситалари тилининг софлиги, тўғрилиги ва таъсирчанлигини сақлаб қола билишни ҳам унутмаслик керак. Чунки оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета тилида миллатнинг маданияти ва ўзига хослиги кўринади.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди” (1.30) деган эди. Демак, газета тилида прецедент матнлар ёрдамида таъсирчанликни ошириш орқали халқнинг маданияти, ўзига хослигини матнда намоён этиш мумкин бўлади.

Матбуот оммавий ахборот воситалари ичида қадимий, оммабоп ва энг анъанавийси ҳисобланади. Матбуот материаллари ёзма манба тариқасида ҳар қандай тилнинг ривожланишини ўрганиш, адабий тил имкониятларини, унинг бойлигини, жозибасини юзага чиқариш ва намойиш эта билиш, ундан тарғибот ва ташвиқот мақсадларида фойдаланиш ҳамда нутқ маданиятини, саводхонликни оширишда муҳим аҳамиятга эгалиги шубҳасиз. Газета ва журналларни мухлисларга қизиқарли ва оммабоп тарзда етказиш, муҳим хабар ва фикрларга эътиборни жалб этиш мақсадида уларнинг безатилишига алоҳида эътибор қаратилади, зеро бу улардаги лисоний матнларни мазмунан тўлдиришга хизмат қилади [2.159].

Матбуот тилида таъсирчанликни ифодалаш ҳақида сўз кетганда, сўнгги йилларда бу борада журналистларимиз анча эътиборли бўлаётганларини айтиб ўтиш керак. Бу ҳақда А.Абдусаидов

шундай ёзади: “Кейинги йилларда матбуот тилида таъсирчанликни ифодалашда бадиий тил элементларидан фойдаланиш ниҳоятда кучайиб бормоқда. Буни тасвирий воситалар, мақол ва ибораларни ишлатиш, очерк, лавҳа ва мақолаларда диалоглардан кенг фойдаланишда кўриш мумкин. Бу ҳолат, шубҳасиз, газетани жонли материаллар билан бойитади, газетхоннинг эътиборини тортади, материални тез тушунишга ёрдам беради, таъсирчанликни оширади” [3,83].

Замонавий матбуотда прецедент матнлардан таъсирчанликни оширишнинг яна бир воситаси сифатида фойдаланиш кенг тус олмоқда. Шу ўринда “прецедент матн” иборасига таъриф бериб ўтиш керак бўлади.

“Прецедент” сўзи “содир бўлган воқеа-ҳодиса” деган маъноларни билдиради. Шунинг учун ҳам прецедент матн деганда журналист томонидан айни вақтда ёзилган эмас, балки у матн яратгунга қадар ёзиб ёки айтиб бўлинган материалларни ўз услубига кўра ишлата билиш тушунилади. Прецедент матнлар коммуникациянинг барча адабий, табиий, илмий, эпистоляр ва публицистик турларининг муҳим элементи ҳисобланади [4.12].

Матбуот тилида таъсирчанликни оширишнинг мазкур усули миллий ўзига хосликни ифодалаши билан ҳам характерлидир.

Матбуотда прецедентлик тушунчасига баъзан “ўтмиш” ҳамда “келажак” ўртасидаги “маданият кўприги” деб ҳам таъриф берадилар. Прецедент матн вазифасини ўтовчи сўз ҳамда иборалар бугунги кунга таалуқлилиги билан бирга қадимдан, ота-боболардан мерос бўлиб келаётган бўлиши ҳам мумкин.

Матбуот учун тайёрланаётган материал мазмунига кўра қуйидагича прецедент матнларга мурожаат этиш мумкин бўлади: мумтоз адабиётдан сатрлар, фразеологик бирликлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар, қочириқ иборалар, машҳурларнинг сўзлари (цитаталар), газетхонларга таниш бўлган бадиий асарлар, қўшиқлар, машҳур кинофильмлар, реклама матнларидан парчалар, машҳур кишилар номлари, бадиий асар ёки спектакль қаҳрамони образлари ва шу кабилар прецедентликнинг турлари ҳисобланади [5].

Кузатишлар шуни кўрсатдики, бугунги ўзбек газеталари тилида прецедент матнларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади: мумтоз адабиётимиз намуналари, яъни буюк алломаларимиз Ҳазрат Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг шеъриятидан парчалар (баъзан бир қатор тўлиқ равишда, баъзан эса қисқартилган ҳолда) сарлавҳа сифатида олиб чиқилади ёки мақолада қўлланади. Прецедент матннинг мазкур туридан алломаларимизнинг таваллуд кунлари арафасида кенг фойдаланилиши ушбу санани ўқувчилар ёдига тушириш билан бирга уларни мумтоз адабиётга яқинлаштиради, яъни газетхонга таъсир кўрсатади (*“Кўргузуб юз меҳр...”* (“Ўзбекистон овози” 30.01.2010), *“Қаро кўзум келу…”* (“Моҳият” 5.02.2010), *“Бу гулшан ичра йўқтур…”* (“Моҳият” 5.02.2010), *“Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш…”* (“Моҳият” 5.02.2010), *“Барчадин инсонни шариф айладинг...”* (“Халқ сўзи” 2.04.2010), *“Темурхон наслидин султон Улуғбек”* (“Моҳият” 26.03.2010) каби прецедент матнлар Ҳазрат Алишер Навоий шеъриятидан танланган. Ундан ташқари, “Бори элға яхшилик қилғил...” (“Халқ сўзи” 16.02.2010) каби Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб бўлган прецедент матн журналист асарининг таъсир кучини оширган. Ўзбек матбуотида прецедент матннинг мазкур тури кўп учрайди ва у таъсирчанликни оширишга хизмат қилади.

Иборалар ҳам прецедент матн тури бўлиб, таъсирчанликни оширишга ёрдам беради. Ўзбек ибораларини қўллаш газеталаримиз тилини янада бойитади. Унинг таъсир кучини оширади ҳамда журналист асарининг халқ кўнглидан жой олишига сабабчи бўлади (*“Энаннинг кўнгли тўлди”* (“Моҳият” 12.03.2010), *“Оқ ажал домида”* (“Моҳият” 5.03.2010), *“Қора рўйхат”га оид қарор”* (“Моҳият” 29.01.2010), *“Юз билан юзлашган момо”* (“Моҳият” 29.01.2010), *“Ҳорманг, Очил ака”* (“Моҳият” 2.03.2010), *“Етти хазинанинг бири”* (“Моҳият” 8.01.2010), *“Орзуим ушалди”* (“Моҳият” 2.03.2010), *“Муротали муродига етди”* (“Моҳият” 9.04.2010), *“Қилмишингга яраша”* (“Моҳият” 26.03.2010).

Мақоллар ҳамда ҳикматли сўзлардан ўзбек журналистлари, айниқса, самарали фойдаланишади. Нафақат журналистларимиз, балки миллатимизнинг ҳар бир вакили ўзбек халқ мақолларини кундалик турмушда ҳам кўп бора ишлатади. Шунинг учун ҳам ўзбек газеталарида прецедент матннинг айнан мана шу тури энг кўп ва ўз ўрнида ишлатилишини тушунса бўлади. Чунки маъоллар ўқувчига таъсири кучли бўлган прецедент матн тури ҳисобланади. Зеро, ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлиб келаётган халқ мақоллари миллатимизнинг ўтмиши, қадриятлари, урф-одати, дунёқараши ва миллий ўзига хослигини бизга доимо эслатиб туради (*“Ўз ўсган уйингнинг кесаги тилло”* (“Моҳият” 26.02.2010), *“Биров топиб гапирар...”* (“Моҳият” 26.02.2010), *“Иситмаси ошкор қилди”* (“Халқ сўзи” 12.03.2010), *“Ойнинг ўн беши ёруғ”* (“Халқ сўзи” 13.03.2010), *“Элга хизмат – олий ҳиммат”* (“Моҳият” 12.03.2010),

“Қинғир ишнинг қийиғи” (“Моҳият” 12.03.2010), *“Шаҳар бедарвоза эмас”* (“Моҳият” 5.03.2010), *“Пойдевор пишиқ бўлса”* (“Моҳият” 12.02.2010), *“Фарзанд азиз, одоби ундан азиз”* (“Моҳият” 15.01.2010), *“Сўздан сўзнинг фарқи бор”* (“Моҳият” 1.01.2010), *“Ҳаракатда баракат”* (“Моҳият” 9.04.2010), *“Меҳнатнинг таги роҳат”* (“Моҳият” 26.03.2010), *“Умр – оқар дарё”* (“Моҳият” 26.03.2010), *“Карвон ўтар – йўл қолар”* (“Моҳият” 16.04.2010). Юқорида келтирилган мақоллар айрим ҳолларда тўлиқ, айрим ҳолларда эса қисқартириб берилган. Аммо, қисқартириб берилган прецедент матннинг давомини ўқувчининг ўзи тушуниб, давом эттира олади. Бу ҳам прецедент матннинг мазкур тури халққа нечоғлик яқинлиги ва тушунарлилигини кўрсатади. Газета матнининг ижобий ёки салбий таъсирини кучайтиришда ҳам мақоллар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда прецедент матнлардан фойдаланишнинг ижобий ҳамда салбий натижалари ҳақида сўз юритиш керак бўлади. Агар прецедент матн ўз ўрнида қўлланиб, ундаги маъно мақола мазмунига мос келса, мазкур матннинг бирор турини келтириш орқали журналист ўқувчига ўз фикрини аниқ тушунтира олса, демак прецедент матн тўғри танланган ҳамда ўз таъсир кучига эга бўлади. Агар журналист томонидан прецедент матннинг бирор тури танланса-ю, бироқ у матн мазмунига мос келмаса, унинг мантиқий давомийлигини бузса, у ҳолда ушбу матн мақолага салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, прецедент матнлар миллат маданияти ва ўзига хослигининг матндаги ифодаси бўлганлиги туфайли аудиторияга таъсир этиш ҳамда журналист материалининг ўқилишлигини ошириш хусусиятига эга. Бироқ таъсирчанликни оширишнинг ушбу туридан ўз ўрнида ва кераклича фойдалана билиш тақозо этилади. Шундай экан, газета ёки журналда фаолият олиб бораётган ҳар бир журналист ўз олдига матбуот тили, ундаги ифодавийлик, таъсирчанлик ва бошқа воситаларни тўғри қўллай билиш мақсадини қўя олиши керак.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Тешабаева Д.М., Гиясова М. Матбуот тилида таъсирчанлик. // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сборник научно-методических статей. Часть 4.– Т., 2009.
3. Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати.– Самарқанд, 2004.
4. Лисоченко О.В. Риторика для журналистов: прецедентность в языке и в речи.- Ростов-на-Дону: Феникс, 2007.
5. revolution.allbest.ru/journalism

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,
2013 йил 4 мартда қабул қилинган